



170400, Andijon vil, Bo'ston tumani,
Mustaqillik ko'chasi, 36-uy

170400, обл. Андижан, р. Бустан, улица
Мустақиллик, 36

Тел: (0-374) 333-22-29, faks: (0-374) 333-14-37 Веб-сайт: www.oliysud.uz эл.почта: i.buz@sud.uz

А Ж Р И М

(даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Бўстон туман

2022 йил 13 декабрь 4-1703-2201/1540-сонли иш

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Умаралиев раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Турғуновнинг котиблигида, [REDACTED] даъвогар – АТИБ “[REDACTED]” манфаатида, жавобгарлар – “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятларига нисбатан тақдим этган даъво аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида), “[REDACTED]” МЧЖ вакили [REDACTED] (ишончнома асосида)ларнинг иштирокида, Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

[REDACTED] (бундан буён матнда “Палата” деб юритилади) АТИБ “[REDACTED]” (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади), “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамият (бундан буён матнда “Қўшимча жавобгар” деб юритилади)лардан 515 238 095 сўм муддати ўтган кредит тани, 227 448 234 сўм муддати ўтган фоиз қарз, 464 761 904 сўм муддати келмаган кредит тани, 21 600 сўм пеня ундиришни сўраган.

Палата даъво аризасида ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўришликни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида кўрсатма бериб, даъво аризада қайд этилган важларни такрорлаб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартида хабардор этилган, бироқ унинг вакили суд мажлисига келмади.

Қўшимча жавобгар вакили суд мажлисида кўрсатма бериб, даъво асосиз эканлигини, кафиллик шартномаси қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилганлигини, кафиллик шартномаси ҳақиқий эмаслигини билдириб, даъвони рад этишликни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг кўрсатмасини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Суд мажлисида маълум бўлишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2020 йил 9 июнь куни №75-сонли кредит шартномаси тузилган. Кредит



шартномасига кўра, даъвогар жавобгарга 1 000 000 000 сўм миқдорига, шундан 610 000 000 сўм қисмга 60 ой муддатга 12 ой имтиёзли давр билан йиллик 22,5 фоиз устама тўлаш шарти билан, шундан 11,25 фоизи Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг компенсацияси маблағлари ҳисобидан, 390 000 000 сўм қисми 18 ой муддатга 22,5 фоиз устама тўлаш шарти билан, шундан 5,62 фоизи Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг компенсацияси маблағлари ҳисобидан интенсив усулда балиқ етиштириш ускуналарини сотиб олиш, балиқ човоқлари ва омухта ем сотиб олиш учун кредит маблағи ажратиш, жавобгар эса кредит асосий қарзи ва фоизларини тўлов жадвалига асосан тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Кўшимча жавобгар билан уч томонлама кафиллик шартномаси расмийлаштирилган.

Жавобгар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлик важи билан палата даъвогар манфаатида жавобгарлардан кредит асосий ва фоиз тўловлари ҳамда пеня ундириш юзасидан даъво ариза тақдим этган.

Даъвогар манфаатида тақдим этилган 2022 йил 2 ноябрь кунги ЮБ1/АН28987-сонли даъво ариза палата бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи [REDACTED] томонидан имзоланган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси [REDACTED]нинг 2022 йил 25 октябрь кунги №237-сонли буйруғига асосан 2022 йил 25 октябрдан [REDACTED] палатанинг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланган ҳамда [REDACTED]га даъво ариза имзолаш ваколати берилган.

Шунингдек, иш ҳужжатларида [REDACTED]нинг бошқарма бошлиғи в.в.б сифатида эмас, балки ишончнома билан ўринбосар сифатида даъво ариза имзоланганлиги юзасидан ишончнома тақдим этган.

Мазкур ҳолатда бошқарма бошлиғи в.в.б сифатида [REDACTED] даъво аризани имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Юқоридагиларга асосан суд даъво ариза имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 107-моддаси биринчи қисми 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса суд даъвони кўрмасдан қолдиради.

Суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб давлат божи тўловини даъвогар ҳисобидан Республика бюджетига ундиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига асосан, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган



шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни иловасининг 2-банди а-кичик бандига кўра, мулкый хусусиятга эга даъво аризалардан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида давлат божи тўлови амалга оширилишлиги белгиланган.

ИПКнинг 109-моддасига кўра, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодексининг 107, 116, 118, 195-196-моддаларини қўллаб,

а ж р и м қ и л д и:

АТИБ “ [REDACTED] ” манфаатида “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти, “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамиятларига нисбатан тақдим этилган 2022 йил 2 ноябрь кунги ЮБ1/АН28987-сонли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати АТИБ “ [REDACTED] ” зиммасида қолдирилсин.

АТИБ “ [REDACTED] ” ҳисобидан Республика бюджетига 24 149 396,66 сўм давлат божи ундирилсин.

Ажрим норози томон бир ой муддатда Бўстон туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин.

Судья

С.Умаралиев

